

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги  
Давлат бошқаруви академияси

# **ЖАМИЯТ ВА БОШҚАРУВ**

**2021  
№ 2 (92)**

**1997 йилдан нашр этилади**

**Тошкент – 2021**

---

# ЖАМИЯТ ВА БОШҚАРУВ

**Бош муҳаррир:**  
Бекмуродов А.Ш.

**Таҳрир ҳайъати:**  
Азизов Х.Т.  
Алимов Б.Б.  
Сатторов С.А.  
Хамроходжаев Н.Я.  
Хусанов О.Т.  
Бекмуродов М.Б.  
Раҳимова Д.Н.  
Жалилов А.Т.  
Юлдашев А.  
Хамидулин М.Б.  
Хайитов Х.С.  
Исламкулов А.Х.  
Холов А.Ҳ.  
Шодиев Н.О.  
Чўтпўлатов М.Ч.  
Қаюмова К.Н.

**Таҳририят:**  
**Масъул муҳаррир:**  
Бахранов Л.Э.

**Муҳаррирлар:**  
Кабулова Д.Б.  
Абдуллаева Г.Л.

**Мусахҳиҳлар:**  
Абдуллаева М.С.  
Шорихсиева А.Ф.

**Техник муҳаррир:**  
Юлдашев А.Ж.

**Муассис:**  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти ҳузуридаги  
Давлат бошқаруви академияси

Журнал Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги  
Олий аттестация комиссияси томо-  
нидан ижтимоий-иқтисодий фанлар  
йўналиши бўйича олиб борилаётган  
тадқиқотларнинг натижалари асоси-  
да ёзиладиган илмий мақолаларни  
нашр этишга тавсия этилган омма-  
вий ахборот воситалари жумласига  
киритилган.

**Таҳририят манзили:**  
100066, Тошкент,  
Ислон Каримов кўчаси, 45  
Мурожаат учун телефон:  
71-232-60-76, 71-232-60-77

E-mail: [jurnal95@mail.ru](mailto:jurnal95@mail.ru)

Буюртма:

ISSN 2181-7340

Журнал Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2013 йил 10 апрелда 0201-сон билан рўйхатга олинган.

Мақолаларда келтирилган иқтибослар, далиллар, рақамлар ва маълумотларнинг аниқлиги учун муаллифлар жавобгар. Журналдан кўчириб босилганда манба кўрсатилиши шарт.

---

Босишга 2021 йил 5 августда рухсат этилди. Бичими 60x84<sup>1</sup>/<sub>8</sub>. Нашр босма табағи 13,25. Адади 70 нусха. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси босмаҳонасида чоп этилди.

Гувоҳнома №10-3723. 21.06.2016 й. Тошкент, Ислон Каримов кўчаси, 45.

## Мундарижа/Содержание/Contents

**Ушбу сон мавзуси:** Замонавий методлар ва технологиялар — давлат бошқаруви самарадорлигининг муҳим омили

**Тема выпуска:** Современные методы и технологии — важный фактор эффективности государственного управления

**Issue subject:** Modern methods and technologies are an important factor in the effectiveness of Public Administration

5 *Азму шижоатли ёшларимиз билан биргаликда янги Ўзбекистонни албатта бунёд этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ёшлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси*

14 *Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигидаги йиғилишлар, учрашув ва ташифлар хроникаси*

Ёшлар — Янги Ўзбекистоннинг қудратли тўлқини!  
Молодежь — могучая волна Нового Узбекистана!  
Youth is a powerful wave of New Uzbekistan!

29 *Адҳам БЕКМУРОДОВ. Президент нутқи — келажак бунёдкорларига катта умид ва ишонч пойдевори*

Бошқарувнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари /  
Организационно-правовые основы управления /  
Legal basis of management

35 *Адҳам ТУРСУНОВ, Фарҳод ПРИМОВ. Коррупцияга қарши стандартлар ва уларни миллий ҳуқуқ тизимига жорий этишнинг айрим масалалари*

Бошқарувда замонавий тенденциялар /  
Современные тенденции в управлении /  
Current trends in management

42 *Мақсад ИСАБАЕВ. Бошқарув қарорлари қабул қилишда маҳаллий вакиллик органлари ва жамоатчилик институтлари ҳамкорлиги*

49 *Дилмуроджон РАҲИМОВ. Давлат фуқаролик хизматида кадрлар танлашда меритократия тамойилини қўллаш*

54 *Аслиддин СУЛТОНОВ. Меритократия — бошқарув маданиятини ривожлантиришнинг замонавий парадигмаси*

60 *Мирзиёд МАМАТОВ. Спорт соҳасида замонавий бошқарув тамойиллари*

Замонавий раҳбар кадрлар — замон талаби /  
Современные руководящие кадры — это требование времени /  
Modern management personnel is the demand of the epoch

66 *Равишонбек ХУДАЙБЕРГАНОВ. Раҳбар кадрлар фаолиятида тил ва коммуникация муносабалигининг ижтимоий-фалсафий жиҳатлари*

71 *Иброҳим МАҲМУДОВ. Ташкилот маданияти — ёш раҳбарнинг бошқарув салоҳиятини юксалтириш омили*

76 *Искандар ЮСУПОВ. Проектное командообразование: как развивать, обучать и удерживать специалистов*

Самарали ижтимоий-иқтисодий сиёсат юритиш асослари /  
Основы ведения эффективной социально-экономической политики /  
The basis of effective socio-economic policy

80 *Рустамхон ХАДЖАЕВ. Самарадорлик кўрсаткичларининг иқтисодий ривожлантиришдаги роли*

Бошқарувда замонавий тенденциялар / Современные тенденции в управлении / Current trends in management

Мақсад ИСАБАЕВ,

Наманган давлат университети катта ўқитувчиси

**БОШҚАРУВ ҚАРОРЛАРИ ҚАБУЛ ҚИЛИШДА МАҲАЛЛИЙ  
ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИ ВА ЖАМОАТЧИЛИК ИНСТИТУТЛАРИ  
ҲАМКОРЛИГИ**

Давлат бошқарувини амалга оширишда жамоат ташкилотларининг иштироки қарорлар қабул қилишда самардорликка эришиш воситаларидан бири сифатида эътироф этилади. Эркин ва очиқ жамиятларда рўй берадиган ҳар қандай сиёсий жараёнларда фуқаролар, нодавлат тузилмалари ўз манфаатлари нуқтаи назардан иштирок этади. Қабул қилинган қарорларнинг барқарорлиги ва яшовчанлиги унда "қайта алоқа"нинг бўлиши, асосан, уларнинг фаолияти билан боғлиқ. Жамоат тузилмалари давлат ва жамият ўртасидаги муносабатларда рўй берадиган ўзгаришларни холис намоён этиб, барча соҳани қамраб олиш орқали турли манфаатларни келиштириш, назорат қилиш орқали мавжуд муаммоларни биргаликда ҳал қилиш имконини беради. Лекин ҳозирча мамлакатимизда мазкур жараёнга умумий ёндашувнинг тўлиқ шаклланиб улгурмаганлиги, уни сиёсий жараён сифатида ўз ижтимоий-сиёсий вазифасини ўташига тўсқинлик қилмоқда. Ваҳоланки, фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий-сиёсий жиҳатдан муҳим қарорларни қабул қилиш тизимидаги ролини кучайтириш умумназарий муаммолардан биридир. Шу туфайли мазкур жараёнга илмий баҳо бериш ва такомиллаштириш долзарб масалага айланмоқда.

Фуқароларнинг жалб этилишига эришишнинг энг яхши усули маҳаллий жамоат ташкилотлари билан боғлиқ қарорлар қабул қилишда патернализмни кучайтириш эмас, балки ҳамкорликни ривожлантириш ва ўз-ўзини англашни рағбатлантиришга йўналтиришдир [1]. Фуқароларнинг жалб этилиши ва ҳамкорликдаги ҳаракатларнинг акси бўлса, ўрнатилган

ўзаро алоқаларнинг йўқолишига олиб келади. "Фуқароларнинг жалб этилиши" ибораси маҳаллий эҳтиёжларни қондириш ва маҳаллий бошқарувнинг келиб чиқишидаги тўртта тамойилга асосланади, яъни ваколатлар, ҳамкорлик, ҳукумат ва бошқарув. Маҳаллий бошқарувнинг ушбу тўртта тамойилида фуқаролар иштироки ва маҳаллий миқёсда қарорлар қабул қилиш орасидаги боғланиш тўғридан-тўғри бўлиб, "оддий илдизлар" ёки "пастан юқорига" муносабатлар сифатида тасвирланади [2].

**Бугунги кунда "Кенг жамоатчилик қарорлар қабул қилиш жараёнида қай даражада иштирок этади?" деган савол сиёсатшунослик соҳасидаги мунозарали мавзулардан ҳисобланади. Бошқарувга жамоатчиликни жалб этиш борасида билдирилган назарий ёндашувларни таҳлил қилар эканмиз, уларнинг турлича бўлиши, ҳатто, бир-бирига қарама-қарши бўлган фикрларни ҳам учратамиз.**

Биринчи ёқловчи назарий ёндашувга кўра, айнан маҳаллий ҳокимият органлари орқали жамоатчиликнинг иштирокига жамиятнинг ижтимоий ривожланиш фаолияти натижаси сифатида қаралади. Маҳаллий давлат бошқаруви давлат бошқаруви тизимидаги энг кичик ва энг мақбул birlik сифатида, шахс ва жамият ўртасидаги кўринмас тўсиқларни бартараф этишда катта роль ўйнайди [3]. Кенгаш аъзоларини кенг жамоатчилик билан алоқалари натижали бўлиши учун уларда назорат қилиш роли ҳам бўлиши лозим [4]. Бу демократияни ҳукуматни бошқаришда, сиёсий

қарорлар қабул қилишда фаол иштирок этишига имкон беради [5]. Сиёсий амалиётда элита томонидан қарорлар қабул қилиш оддий фуқароларга қараганда анча оқилона ва изчилдир [6]. Оддий одамларнинг сиёсий қарорларни элита вакилларига топшириш ўрнига, ўз қарорларини қабул қилиш учун етарлича ақл-идроққа эга эканлигига ишонишади [7]. Кўп ҳолларда одамлар ўз қарорларини қабул қилиш жараёнига эътибор қаратиш ўрнига, қарор қабул қилишдан кутилган натижаларига кўпроқ қизиқишади ва уларнинг қарорлари (агар амалга оширилган бўлса) яхши натижаларга олиб келишига умид қиладилар [8].

Бу нуқтаи назарлардан фарқли ўлароқ, иккинчи ёндашув тарафдорларининг таъкидлашича, демократик жамоатчилик иштироки бир қатор муҳим назарий ва сиёсий муаммоларни туғдиради. Ваколатли демократия институтлари орқали мунозаралар ўтказиш ва қарорлар қабул қилишда бевосита жамоатчиликни жалб қилиш, расмий равишда сайланган вакиллар (маҳаллий кенгаш депутатлари)нинг ролини камайтириши мумкин [9]. Сиёсий қарорлар бир бутун фуқаролик сифатида эмас, балки ваколатли деб ҳисобланган танланган бир гуруҳ томонидан амалга оширилиши керак. Чунки жамоатчиликнинг қарор қабул қилиш ва ақл-идроқ қобилияти шубҳалидир. Фуқароларнинг сиёсий қарорлар қабул қилишлари овоз бериш йўли билан амалга ошириладиган, асосан, бир марталик ишдир [10]. Замонавий даврда бундай иштирок (овоз беришдан ташқари) кўпроқ муаммо ва ундаги вазиятга боғлиқ [11].

Ҳозирга қадар фуқароларнинг қарорлар қабул қилиш жараёнига оид бир нечта халқаро ҳужжатлар қабул қилинган бўлиб, уларда сиёсий иштирок билан боғлиқ ҳуқуқлари кафолатланган. Жумладан, 1966 йилда қабул қилинган "Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида"ги халқаро пактнинг 25-моддасида ҳар бир фуқаронинг жамоат ишларини юритишда иштирок этиш, овоз бериш ҳуқуқи ҳамда сайланган давлат хизматига кириш ҳуқуқига эгаллиги қайд этилган. Шунингдек, фуқароларнинг жамоат ишида иштирок этиши, ўтказиладиган оммавий йиғилишларда бе-

восита қатнашиш орқали иштирок этиши ҳамда маҳаллий муаммолар ёки муайян жамоанинг ишлари тўғрисида қарорлар қабул қилиш ҳуқуқлари "Фуқаролик ва ижтимоий ҳамкорлик тўғрисидаги Конвенция"нинг 25-моддасида кўрсатиб ўтилган. Инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгаш томонидан 2015 йилда қабул қилинган "Сиёсий ва жамоат ишларида тенг иштирок этиш тўғрисида"ги қарорда фуқароларнинг ҳуқуқий ва амалий тўсиқларсиз жамоат ишларида иштироки ва сиёсий ҳаётда қатнашиш қобилиятининг муҳимлиги таъкидланади. Шунингдек, БМТ Бош Ассамблеясининг Инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари тўғрисидаги Декларациянинг 8-моддасида ҳар бир инсон шахсан ва бошқалар билан биргаликда давлат ва жамоат ишларини олиб бориш орқали ўз ҳукумати ишида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлиши белгилаб қўйилган.

**Кенг оммани қарорлар қабул қилиш жараёнида иштирок этишига оид муҳим халқаро ҳужжатлардан яна бири бўлган Орхус конвенциясида (1998 йил) ахборот олиш, жамоатчиликнинг қарорлар қабул қилишдаги иштироки ва улардан фойдаланиш ҳуқуқлари кафолатланган [12]. Турли режалар ва дастурлар тайёрлаш пайтида жамоатчиликка ўз мулоҳаза ва таклифларини билдириш имконияти берилади, шунингдек, ўтказилган маслаҳатлар натижалари, иложи борича, эътиборга олинади.**

Ўзбекистонда сўнгги йилларда кенг жамоатчиликнинг давлат бошқаруви соҳаларидаги иштироки ва назорат этишдаги фаолияти борасида самарали натижаларга эришилмоқда. Бунда, албатта, ўз вақтида қабул қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси муҳим аҳамиятга эга. Унинг 1.3.-банди "Жамоатчилик бошқаруви тизимини такомиллаштириш" деб номланган бўлиб, унда жамоатчилик институтининг ўрни ва ролини оширишга қаратилган масалалар ўз аксини топган. Бунда давлат ва жамиятнинг эҳтиёжларини ўз вақтида "қондириш"га қаратилган давлат

қарорларининг сифати, унинг тезкорлиги ва самарали назорат қилишга алоҳида эътибор бериш лозим бўлади. "Халқимиз манфаати, унинг эртанги тақдирига дахлдор бўлган ҳар қандай қарорни қабул қилишда етти ўлчаб, бир кесишимиз зарур" [13]. Бунда сиёсий қарорларни қабул қилишдан тортиб, токи унинг ижро этилишигача бўлган барча жараёнларда айнан кенг жамоатчиликнинг иштирок этиши, мазкур жараёнда фуқаролар иштирокининг шаффоф ва самарали усуллари жорий этиш [14] муҳимдир.

Биргина 2014 йилда қабул қилинган "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида" - ги Қонунда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлигининг асосий тамойиллари бўлган ахборотнинг очиқлиги ва ошқоралиги, тезкорлиги ҳамда ҳаққонийлигидан келиб чиқиб, мазкур органлар фаолияти ҳақида жамоатчиликни атрофлича хабардор қилиб бориш, ахборотни ошқор қилиш тартиби ва манбаларининг аниқ кўрсатиб қўйилганлиги муҳим аҳамият касб этди. "Чунки, демократик ҳамда очиқ жамиятда давлат бошқаруви аҳолининг бевосита ва билвосита иштирокида амалга оширилади. Зеро, шундагина фуқаролар мамлакатда қандай қарор ва дастурлар қабул қилинаётганини, уларнинг қай йўсинда бажарилаётганлигини, масъул ва мансабдор шахслар ўз вазифаларини нечоғлик адо этаётганлигини очиқ ойдин билиб бориши, керак бўлса, бу жараёнларга ўз муносабатларини билдириши мумкин бўлади" [15]. Шундагина жамиятнинг барча бўғинларида демократик қадриятлар шаклланади ва ривож топади.

Фуқароларнинг қарорлар қабул қилиш жараёнида бевосита ёки билвосита кенг иштирок этиши мамлакатда фуқаролик жамияти қуришнинг асосий компонентларидан биридир. Шу боис, Давлатимиз раҳбари бошқарув соҳасида фуқароларнинг сиёсий қарорлар қабул қилишдаги иштирокига алоҳида аҳамият бермоқда. Бунинг учун мамлакатимизда барча шарт-шароитлар таъминланмоқда. Давлат ҳокимияти органлари, жумладан, иқтисодиёт, банк-молия соҳаси идоралари, коммунал хизмат, ички ишлар, ташқи ишлар, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, суд-ҳуқуқ ти-

зимининг парламент ва маҳаллий кенгашларда ҳисобот ва ахборот бериш тартиби йўлга қўйилиб, халқ назорати амалда жорий этилмоқда [16]. Бу самарали бошқарув тамойили фуқароларнинг қарорлар қабул қилиш жараёнидаги иштирокига кўпроқ боғлиқ эканлигини кўрсатмоқда. Бу муассасаларнинг шаффофлиги ва ҳисобдорлигини оширишга мажбур қилади. Одамлар қарорлар қабул қилиш усулини билишганда, бу қонунларнинг олдиндан кўрилишига ва ишлаб чиқилишига ёрдам беради. Гарчи, бу қарор қабул қилишнинг бироз кечикишига олиб келиши мумкин бўлса ҳам.

Лекин, маҳаллий бошқарувда шу каби ижобий ҳолатлар кузатилмаслиги муаммолигича қолмоқда. Маҳаллий ҳокимият органлари томонидан қабул қилинган қарорларни аҳоли орасида кенг муҳокама этиш ва унинг ижросини ўрганиш юзасидан тизимли ишлар амалга оширилмапти. Шунинг учун фуқаролар, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари, тадбиркорлик субъектлари ва илм-фан вакиллари жалб этиш ишларини самарали ташкил этиш орқали норма ижодкорлиги жараёнига жамоатчилик муҳокамаларининг таъсир даражасини ошириш вазифа сифатида белгиланди [17].

Бу ўз-ўзидан фуқароларнинг давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирокини таъминлашда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа фуқаролик институтлари ролини янада кучайтиришни тақозо қилади. Қарорлар қабул қилишда давлатга қарашли бўлмаган, "учинчи сектор" вакилларида иборат турли жамоатчилик маслаҳат кенгашларининг кенг иштирок этиши унинг тўлиқ ижро этилишига замин ҳозирлайди. Шу сабабли, Президент ҳузуридаги Жамоатчилик палатаси ва ҳудудий жамоатчилик палаталари; давлат бошқаруви органлари ҳузурида жамоатчилик кенгашлари; Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ҳузурида фуқаролик жамияти институтлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш бўйича жамоат фондлари ташкил этилди. Шунингдек, Президент Халқ қабулхонаси ва виртуал қабулхоналар йўлга қўйилди. Халқ бевосита мамла-

кат фуқаролари билан ишлашнинг бундай янги тизимининг ташкил қилиниши фуқароларга кўплаб имкониятлар яратди. Буни биргина виртуал қабулхонага аҳоли томонидан бугунги кунга қадар 3,7 миллионга яқин мурожаатлар келиб тушганлигида ҳам кўришимиз мумкин.

Дарҳақиқат, ахборот-коммуникация технологиялари оммавий жамиятнинг сиёсатини кучайтиради. Бугунги парламент демократиясига нисбатан қўлланиладиган электрон асрнинг прагматик сиёсий имкониятларини оширади [18]. АКТдан фойдаланиш истеъмолчилар фикрига эришишга имкон беради. АКТлар элита шаффофлигини таъминлаш учун зарур бўлган ахборот эркинлигини таъминлайди [19]. "Электрон ҳукумат" тизимининг ташкил этилиши вақтни, бюрократия ва ортиқча сарф-харажатларнинг олдини олади. Бизнинг фикримизча, "Электрон ҳукумат" тизими маҳаллий бошқарувнинг бир қатор жараёнларини транзакцион самарадорлигини таъминлаши, қўллаб-қувватлаши ва инфратузилмага катта миқдорда сармоя киритиши фуқароларга кўпроқ хизмат кўрсатилишига ёрдам беради.

Давлат ҳокимияти органлари ОАВ билан ҳамкорликда яратилган махсус пресс-хизматлар орқали қарорлар қабул қилишнинг барча босқичларида - федерал, минтақавий ва маҳаллий даражада фаолият юритади. Улар бошқарув механизмларини яратиш, ҳукумат ва жамият ўртасидаги алоқани ўрнатиш каби шаклларда фуқаролар билан ўзаро ҳамкорликни ривожлантиради [20]. Бизнинг фикримизча, бугунги кунда маҳаллий ҳокимият органларининг ахборот хизматини ривожлантиришда қўйидаги бир нечта ақдорлар мавжуд бўлиши керак: давлат органлари фаолияти тўғрисида аҳолини хабардор қилиш, жамоатчилик фикрини сўраш, унга мослаштириш, тавсиялар бериш кабиларга асосланган маҳаллий сиёсат юритиш; жамоатчилик фикрини таҳлил этиш ва сиёсий ўзгаришларга жамоатчиликнинг муносабатини шакллантириш; олинган маълумотларга асосланган сиёсий жараёнларни прогнозлаш ва қонунчиликни фуқароларга талқин қилиш.

Бугунги кунда қарорларнинг ижросини янада қатъий тартибда қайта кўриб чиқиб, такомиллаштиришни замоннинг ўзи талаб

этнода. "Эътироф этиш керакки, бизда парламент назорати, жамоатчилик назорати, журналист текшируви каби демократик институтлар ҳали тўлиқ шаклланиб, ҳаётимиздан чуқур жой олгани йўқ" [21]. Қарорларнинг ижро этилиши устидан кенг жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг ҳуқуқий асоси 2018 йил 12 апрелда қабул қилинган "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунида ўз аксини топди. Қонунда қабул қилинаётган қарорларда, шунингдек, ривожланиш давлат ва ҳудудий дастурларида жамоатчилик манфаатларини, жамоатчилик фикрини ҳисобга олиш ҳуқуқий мустаҳкамлаб қўйилган. Бу борада мамлакатимиз фуқароларининг ижтимоий-сиёсий фаолликлари сўнгги вақтларда бироз жонланганлигини кузатишимиз мумкин. Давлат дастурлари ҳам 2017 йилдан бошлаб, кенг жамоатчиликнинг муҳокамасига қўйилиб, сўнгра қабул қилинмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад муҳим сиёсий қарорларни комплекс муҳокама этиш, жамоатчиликнинг фикр-мулоҳаза ва таклифларини ўрганишдан иборат.

"Қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолаш тизими" порталида йўлга қўйилган жамоатчилик муҳокамаси натижалари бўйича 1310 та таклиф ва мулоҳаза келиб тушиб, улар асосида 2017 йил Давлат дастурининг 41 та банди қайта кўриб чиқилди [22]. Шунингдек, 2019 йил Давлат дастури лойиҳаси 2019.strategy.uz. веб-сайтида жамоатчилик муҳокамасига қўйилганда фуқаролар томонидан жами 3399 та изоҳлар билдирилган. Regulation.gov.uz. сайти орқали 404 та таклиф келиб тушган. 2019 йил Давлат дастури лойиҳаси муҳокамасида 4180 та таклиф келиб тушган бўлса, шундан 340 дан зиёд фуқароларнинг концептуал ва долзарб таклифларидан Давлат дастури лойиҳасини мазмунан такомиллаштиришда фойдаланилди. 30 га яқин таклифлар асосида эса тегишли бандларга таҳририй ўзгаришлар киритилди [23]. 2020 йил Давлат дастури лойиҳасига аҳолидан жами 3162 та таклифлар қабул қилинган бўлса, фармон лойиҳасига 363 та таклифлар билдирилди. Натижада, 62 та концептуал ва 30 дан ортиқ таҳририй ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

2018 йилнинг 12 апрелида парламент палаталари Кенгашининг қўшма қарори қабул қилиниб, "Mening fikrim" веб-портали орқали электрон жамоавий мурожаат қилиш ва уларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисида"ги Низом ишлаб чиқилди. "Mening fikrim" веб-портали 20 апрелдан синов тариқасида ишга туширилди. Мазкур веб-порталнинг яратилиши фуқароларнинг жамоатчилик назорати субъекти сифатида давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштирок этиш имкониятларини кенгайтиради, давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятининг очиқлиги, қабул қилинаётган қарорларнинг ҳаётий, самарали бўлишини таъминлайди.

Бизнингча, қарорларнинг ҳудудларда тўлиқ ижро этилиши учун, аввало, қарорлар кенг халқ оммаси ва тегишли нодавлат сектори вакиллари билан маслаҳатлашиб, "етти ўлчаб, бир кес"ган ҳолда қабул қилиниши керак. Бу жараёнда эса, маҳаллий вакиллик органларида қабул қилиниши кўзда тутилаётган қарор лойиҳасини кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этган маъқул. Бундай тизим маҳаллий вакиллик бошқарувида тўлиқ ҳал этилган эмас. Амалиёт шунини кўрсатмоқдаки, сессиягача халқ депутатлари Кенгаши муҳокамасига киритиладиган масалалар, аксарият ҳолларда, мавжуд манфаатдор ташкилотлар, мутахассислар, илм-фан ва аҳоли вакиллари орасида олдиндан муҳокама қилинмайди. Шунингдек, ўз фаолиятида ОАВ воситалари ва жамоатчилик билан деярли ишламайди. Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш ва амалга оширишда ННТларнинг иштироки паст. Қарорлар тайёрлашда вакиллик органлари билан жамоатчилик институтлари ўртасида амалий мулоқот механизмлари тизимли йўлга қўйилмаган.

Бу қабул қилинаётган қарорларда тегишли манфаатдор томонларнинг манфаатларини тўлиқ инобатга олиш имкониятини чекламоқда. "... одамлар билан очиқ гаплашмасдан, уларнинг муаммоларини билмасдан туриб, қандай тўғри қарор қабул қилиш мумкин?" [24] Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуни 25<sup>1</sup>-моддаси 8-бандида вилоят, туман, шаҳар ҳокимининг ҳисоботини муҳокама қилиш яқунлари бўйича тегишли халқ депутатла-

ри Кенгашининг қабул қилинган қарори ва ҳокимнинг ҳисоботи расмий нашрларда ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг веб-сайтларида эълон қилиниши шарт, этиб белгиланган. Қарор қабул қилиб бўлингач эмас, балки қарорлар қабул қилиш жараёнига кенг жамоатчиликни жалб этиш, уларнинг хабардорлигини ошириш муҳимдир. Шу сабабдан қуйидаги таклифларни билдирамиз:

1. Маҳаллий Кенгашлар қарорлар лойиҳалари матнларини ва уларга доир таҳлилий материалларни Кенгаш муҳокамасидан кейин ҳудудий босма ОАВларда, шунингдек, расмий веб-сайтларда (ҳали барча маҳаллий вакиллик органларининг сайтлари тўлиқ шаклланган эмас) тезкор эълон қилиб боришни ҳуқуқий асосда йўлга қўйиш лозим. Бу маҳаллий вакиллик органи фаолиятининг очиқ ва шаффоф бўлиши, бошқа жамоат тузилмалари билан ижтимоий шериклик муносабатлари йўлга қўйилишига хизмат қилади.

2. Жамоатчилик ташкилотлари билан маслаҳатлашиш ва уларнинг салоҳиятидан қарор лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнида фойдаланишнинг самарали механизмини яратиш. Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг Намунавий регламентнинг 24-моддасига: "Сессияда масалаларни кўриб чиқиш жараёнида муҳокама этилаётган масалага дахлдор бўлган тегишли жамоатчилик институти вакиллари қисқача фикрлари тингланади. Билдирилган фикрлар муҳокама овозга қўйилиб, тегишли қарор қабул қилинади", деган нормани киритиш.

**Фуқаролар ўзларининг сиёсий ирода ва манфаатларини ифодалайдиган жамоат ташкилотлари фаолияти воситасида ёки бевосита сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнида иштирок этади. Бу қуйидаги ижтимоий-сиёсий ўзгаришларни амалга оширишга замин тайёрлайди:**

биринчидан, фуқароларнинг қарорлар қабул қилишдаги иштироки уларнинг сиёсий-ижтимоий манфаатларини рўёбга чиқаришга хизмат қилиб, ижтимоийлашув жараёнини кучайтиради. Натижада, уларнинг жамият ва давлат ишларига жалб этилиши янада ортади;

иккинчидан, қарорлар қабул қилишда фаол сиёсий иштирок этиши оддий фуқа-



ролар манфаатларининг ҳисобга олинишига, эркин инсоний қадр-қиммат туйғусининг таъминланишига ҳамда фуқароларда сиёсий масъуллик руҳининг шакллантирилишига олиб келади;

учинчидан, фуқаролар манфаатларининг турли хил жамоат ташкилотлари ва сиёсий партиялар воситасида ифодаланиши натижасида олган кўникмалари уларни янада фаоллаштиради, бу билан ўзаро манфаатлар келишуви оқибатида Кенгашларнинг самарали фаолият кўрсатишига катта ҳисса қўшади;

тўртинчидан, сиёсий иштирок ҳар бир фуқарони ўзлигини англашга, унинг жамиятда ўзига муносиб ўрин эгаллашига шарт-шароитлар яратади. Натижада, ўз мамлакати ва ҳудудига эгаллик ҳиссини шакллантириб, миллий ифтихор туйғуларини гавдалантиради;

бешинчидан, маҳаллий ҳокимият органлари барча ижтимоий гуруҳлар манфаатларининг ўз сиёсий қарорларида ифодаланишига ва уларни ҳаётда амалга ошишига эришиш жараёнини янада мустаҳкамлайди. Натижада қарорларни бажаришга доир тадбирларнинг ҳудудда ҳеч бир зўриқишсиз ва ихтиёрий равишда қабул қилиниши ҳамда кўллаб-қувватланишига олиб келади;

олтинчидан, жамиятдаги кўпчилик фуқаролар иродасининг ифодаланишига шарт-шароитлар яратилиб, жамият ва давлат ҳокимиятининг демократик тамойиллар асосида фаолият кўрсатишидаги асос мустаҳкамланади.

Юқорида келтирилган мазкур ҳолатлар маҳаллий Кенгашларда фуқаролар ва турли ижтимоий гуруҳлар манфаатларини амалда ифода этишга, шу орқали улар орасида ҳамкорлик ва бирдамлик рўй бериши орқали маҳаллий бошқарувнинг асосий белгиларидан бири ҳаётда ўз ифодасини топади.

### **Манба ва адабиётлар**

1. Jayne Meyer Tucker. *Decision making at the local level - the missing link? A thesis submitted for the degree of Doctor of Philosophy of the Australian National University. ProQuest LLC. 2017. — Pp.237.*

2. Lowndes V. and Sullivan H. 2008, 'How low can you go? Rationales and challenges for neighbourhood governance', *Public Administration*, vol. 86, no. 1, — Pp. 53-74.

3. Richards P.G. *The Local Government System. London: Allen & Unwin. 1983. P. 167.*

4. Goss S. *Making Local Governance Work - Networks, Relationships and the Management of Change. Basingstoke: Palgrave. 2001. P.134.*

5. Putnam R. *Bowling Alone. New York: Simon and Schuster. 2000.*

6. Converse P. "The Nature of Belief Systems in Mass Publics." In D. Apter (Ed.) *Ideology and Discontent. New York: Free Press. 1964.*

7. Haskell J. *Direct Democracy or Representative Government?: Dispelling the Populist Myth. Boulder, CO: Westview Press. 2001.*

8. J. Yates, E. Veinott and A. Palatano. "Hard Decisions, Bad Decisions: On Decision Quality and Decision Aiding." In S. Schneider and J. Shanteau (Eds.) *Emerging Perspectives on Judgment and Decision Research. Cambridge: Cambridge University Press. 2003.*

9. Steven Halls. *The concept and practice of territorial representation in English Local Government: impacts of government policies. Dissertation submitted in part fulfilment of the requirements of The Nottingham Trent University for the degree of Master of Philosophy. Published by ProQuest LLC. 2016. PP. 162.*

10. Schumpeter J. *Capitalism, Socialism, and Democracy. New York: Harper and Row. 1942.*

11. W. Miller and D. Stokes. "Constituency Influence in Congress." *American Political Science Review. 1963. 57 (1): 45-56.*

12. *Participation of NGOs in the process of policy-and law - making. Comparative analysis. Bulgarian Center for Not-for-Profit Law. Bulgaria // www.bcnl.org.*

13. Каримов И.А. *Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш - энг олий саодатдир. — Т.: "Ўзбекистон", 2015. — 210 б.*

14. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги "Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5729-сонли Фармони. // www.uza.uz.*

15. *Фуқаролик жамияти асослари: ўқув қўлланма.// А. Жалилов, У. Муҳаммадиев, Қ. Жўраев ва бошқ. — Т.: 2015. — 197 б.*

16. Мирзиёев Ш.М. *Парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислохотларнинг ташаббускори ва асосий ижрочиси бўлиши керак. 2017 й. 12 июль. // www.uza.uz/oz/politics/parlamentimiz-a-i-iy-demokratiya-maktabiga-aylanishi-islo-ot-12-07-2017.*

17. "Норма ижодкорлиги фаолиятини тақомиллаштириш концепцияси". Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги ПФ-5505-сонли Фармонида 1-илова. // ҚХММБ: 06/18/5505/1639-сон.

18. Bellamy C. & Raab C.D. *Wiring up the Deck-Chairs. Parliamentary Affairs*. 1999. 52(3) July. — 518-534.

19. Steven Halls. *The concept and practice of territorial representation in English Local Government: impacts of government policies. Dissertation submitted in part fulfilment of the requirements of The Nottingham Trent University for the degree of Master of Philosophy. Published by ProQuest LLC. 2016. — Pp. 162.*

20. Матвеев А. А., Гущина А. А. Влияние неформальных практик на процесс принятия управленческих решений в органах государственной власти и местного самоуправления // *Управленческое консультирование*. № 7. 2016. — С. 8-13.

21. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажгимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз. — Т.: "Ўзбекистон", 2017. — 49 б.

22. <http://uza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasini-yanada-rivozhlantirish-b-yicha-arak-07-02-2017>

23. "Халқ сўзи". 2019 йил 22 январь.

24. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. — Т.: "Ўзбекистон", 2017. — 439 б.

**Бошқарув қарорлари қабул қилишда маҳаллий вакиллик органлари ва жамоатчилик институтлари ҳамкорлиги**

**Мақсад Исабаев,**

*Наманган давлат университети катта ўқитувчиси*

**Аннотация:** мақолада фуқароларнинг маҳаллий бошқарувдаги иштирокини бевосита ўзи ёки танланган вакиллар (сиёсий институтлар) орқали амалга ошириши, сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнида жамоатчилик назоратининг аҳамияти қай даражада эканлиги, фуқароларнинг қарорлар қабул қилиш жараёнига оид халқаро ва миллий қонунчилик тадқиқ этилган. Шунингдек, қарорлар қабул қилишда жамоатчилик тузилмаларининг иштирокини оширишга қаратилган амалий таклифлар берилган.

**Калит сўзлар:** жамоатчилик ташкилотлари, сиёсий қарор, фуқаролик институтлари, маҳаллий кенгаш, жамоатчилик билан алоқалар, Электрон ҳукумат, ОАВ.

**Сотрудничество местных представительных органов и общественных институтов в принятии управленческих решений**

**Мақсад Исабаев,**

*старший преподаватель Наманганского государственного университета*

**Аннотация:** в данной статье исследовано международное и национальное законодательство о процессах принятия решений гражданами, насколько важен общественный контроль в процессе принятия политических решений, осуществление участия граждан в органах местного самоуправления напрямую или через избранных представителей (политические институты). Также были внесены практические предложения, направленные на повышение участия общественных структур в принятии решений.

**Ключевые слова:** общественные организации, политические решения, гражданские институты, местный совет, связи с общественностью, электронное правительство, СМИ.

**The of cooperation between government agencies and local representative bodies in management decision making**

**Maksad Isabaev,**

*Senior lecturer, Department of "Social Sciences", Namangan State University*

**Abstract:** this article reviews international and national legislation on citizens decision-making processes, the importance of public control in the process of political decision-making, the implementation of citizens' participation in local government directly by itself or through elected representatives (political institutions). Also, practical proposals aimed at increasing the participation of public structures in decision-making were made.

**Keywords:** public organizations, political decision, civil institutions, local council, Public Relations, E-Government, media.